Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 178 (8418). 19 сентябрь, 1984 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.



Коммунистик райони меҳнаткашлари етиштирилган ҳосилни техника ёрдамида йиғиб-териб олишни авж олдириб юбордилар. Машина теримини районда биринчи бўлиб «Политотдел» колхози механик-ҳайдовчилари бошлаб беришди. Суратда: хўжалик далаларида машина терими пайти.

60

# ИШЧИ КУЧЛАРИ ВА ТЕРИМ МАШИНАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙИҒИМ—ТЕРИМДА ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАДИР

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

### ТАШАББУСКОР ТАШАББУС КЎРСАТМОҚДА

◆ ОҚҚЎРҒОН. «Ленинизм» колхозининг область ташаббускори Гулой Тулепбекова бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари йиғим-теримни кундан-кунга қизитиб боришяпти. Улар бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақада ҳам пешқадамлик қилишаётир. Ўтган куни коллективнинг ҳар бир аъзоси ўртача 90 килограммдан пахта терди. Фотима Луқмонова, Олия Шарипова сингари кўпмингкилограммчилар 240—250 килограммдан «оқ олтин» териб, барчага ибрат бўлдилар. Бригада заршунослари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини 60 центнерлик марра билан кутиб олишга аҳд қилишган.

### БЕШ КУНЛИК ҒОЛИБЛАРИ

◆ КОММУНИСТИК. Райондаги экспериментал ихтисослашган саноат бирлашмасининг ишчилари пахта йиғим-теримида пахтакорларга яқиндан ёрдам беришяпти. Ҳашарчилар ўртасидаги мусобақанинг беш кунлиги бўйича улар яна ғолиб чиқишди. Шу давр ичида бирлашма ишчи-хизматчилари район пахтазорларидан ўн тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб хирмонга тўкдилар. Коллективнинг Бахтигул Турсунматова, Буойша Абиева, Багира Кингисбоева сингари ишчилари кунига 50—70 килограммдан пахта териб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

«Госкомсельхозтехника»нинг район бирлашмаси ходимлари ҳам йиғим-теримда фаол иштирок этишяпти. Ўтган куни 80 киши ўртача 50 килограммдан пахта терди. Уларнинг ҳозиргача уйган «оқ олтин» хирмонлари 6,5 тоннадан ошиб кетди.

### БАЙРОҚ ЯНА УЛАР ҚЎЛИДА

◆ ЧИНОЗ. Муса Сайфуллаев етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари Охунбобоев номли колхозда бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақада ҳамон пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти. Сўнгги беш кунлик якунига кўра кўчма Қизил байроқ яна уларнинг ўзларида қолдирилди. Мавсум бошидан буён бу бригадада йиллик планнинг 15 проценти миқдорида пахта тайёрлашга эришилди. Ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиққан бригада пахтакорлари бу йил 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни пландаги 36 ўрнига 45 центнерга етказишга сўз бердилар.

### ХИЗМАТ ДАЛАНИНГ ЎЗИДА

◆ БЎКА. Район далаларида кўчма медицина амбулаторияси пахтакорларга хизмат кўрсата бошлади. Бу амбулаторияда малакали врачлар бор. Улардан Фахриддин Эргашев, Борис Тенларнинг хизматидан барча миннатдор бўлаяпти. Шунингдек, бу ерда тиш даволаш кабинети ҳам бор. Кўчма медицина амбулаторияси график бўйича хўжаликларда бўляпти.

### МЕХАНИЗАТОРЛАР АҲДИ

◆ ЎРТА ЧИРЧИҚ. Охунбобоев номли колхозда машина терими бошланиб кетди. Ўтган куни далаларда 10 та «зангори кема» юксак унум билан ишлатилди. Юбилей йилида хўжалик механизаторлари ҳосилнинг асосий қисмини «пўлат этак»лардан тўкишга аҳд қилишган. Рустам Абдураззоқов, Йўлдош Султонов сингари тажрибали механизаторлар дастлабки кунданоқ юқори натижаларга эришдилар. Улар мавсумда ўз агрегатлари ёрдамида 200 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишди.

### СУРЪАТ КЎТАРИЛМОҚДА

◆ ПИСКЕНТ. «КПСС XXVI съезди» совхозининг Турғун Усмонов бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари йиллик план ва мажбуриятларини тезроқ уддалаш учун йиғим-теримни кун сайин кучайтириб боришаяпти. Улар бригадалараро мусобақада ҳам пешқадам. Коллективнинг Зуҳра Абдувалиева, Дилбар Икромова, Абдусалим Воҳидов сингари теримчилари 150—170 килограммдан дур териб, барчага ибрат бўлишяпти. Бригадада тез кунлар ичида машина терими ҳам бошлаб юборилади.

### КУЙ, ҚЎШИҚ ТИНГЛАБ

◆ БЕКОБОД. Навоий номли колхознинг Норқўзи Ҳазратқулов бошчилик қилаётган бригаданинг дала шийпони тушликда гавжумлашиб кетди. Бу ерга колхозчиларнинг дам олиш соатларида хизмат кўрсатиш учун хўжаликда ташкил этилган агитбригада ташриф буюрган эди. Агитбригаданинг Зафар Ҳайдаров, Ромия Зияева, Алишер Йўлдошев сингари ҳаваскорлари ижро этган куй ва қўшиқлар ҳаммага манзур бўлди.

Бу агитбригада ҳар куни дала шийпонларида бўлиб, пахта йиғим-теримида қатнашаётганларга намунали хизмат кўрсатаётир.

## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

КОММУНИСТИК РАЙОНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИНГ! ● ДАВЛАТГА ФАҚАТ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПАХТА ТОПШИРАЙЛИК. ● ДАЛАДА ИШЛАЁТГАНЛАРНИНГ УНУМЛИ МЕҲНАТ ҚИЛИШЛАРИ УЧУН ҲАММА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРАЙЛИК. ● ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИ ВА ПАХТА ЗАВОДЛАРИНИНГ ЯНГИЧА ШАРОИТДА ПИШИҚ—ПУХТА ИШЛАШИНИ ТАЪМИН ЭТАЙЛИК.

### Терим илғорлари







Уч дугона — уч мусобақадош (юқоридан пастга) Назира Иброҳимова, Саида Мамедова ва Зуҳра Каримовалар йиғим-теримда илғорликни қўлдан беришмаётир. Уларнинг ҳар бири бу йил Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози меҳнаткашлари уяжак «оқ олтин» хирмонига ўзларининг 7—8 тонналик улушларини қўшишга аҳд қилишган.

А. Абалян фотолари.

ПАХТА — БИЗНИНГ ҚУВОНЧИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ, ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧИМИЗДИР. МАМЛАКАТ БИЗ ВАЪДА ҚИЛГАН МИҚДОРДА ПАХТА ОЛАЖАГИГА ШАҚ-ШУБҲА ЙЎҚ. БИЗНИНГ ОР-НОМУСИМИЗ, ИШЛАШ МАҲОРАТИМИЗ, БЕРГАН ВАЪДАМИЗНИНГ УСТИДАН ЧИҚИБ, МЎЛЖАЛЛАНГАН МАРРАГА ЭРИША ОЛИШИМИЗ БУНИНГ ГАРОВИДИР.

(Бир группа депутатларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган Мурожаатидан).

### ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 18 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун—районлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Чиноз | 0,94 | 6,53 | — | — |
| Янгийўл | 0,59 | 5,23 | — | — |
| Пискент | 0,50 | 2,87 | — | — |
| Бекобод | 0,52 | 2,44 | — | — |
| Оққўрғон | 0,52 | 2,42 | — | — |
| Бўка | 0,55 | 2,31 | 0,13 | 0,23 |
| Коммунистик | 0,73 | 2,06 | 0,72 | 0,91 |
| Ғалаба | 0.45 | 1,57 | 0,34 | 0,34 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,28 | 0,85 | — | — |
| Область бўйича: | 0,54 | 2,65 | 0,12 | 0.15 |



ҲАЛОЛ пешона тери эвазига етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ишига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган бу қиз Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор теримчиси Лола Аҳмедовадир. У республикамиз юбилейи шарафига мавсумда 8 тонна пахта териб беришга аҳд қилган. Айни кунларда ўз сўзининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилаётган илғор теримчи 90—100 килограммдан дурдона териб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқда.

## ҚИЗИЛГУЛНИНГ ШАРАФИГА

ПИСКЕНТ. Охунбобоев номли колхозда йиғим-терим қизғин тус олмоқда. Яқинда колхознинг Қобил Қаршибоев бошлиқ бригадасида шон-шуҳрат байроғи республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Қизилгул Ғофуржонова шарафига кўтарилди. Чунки у ўтган беш кунликда мусобақа ғолиби бўлди. Шу давр ичида у терган пахта бир тоннадан ортиқ бўлди.

— Мен мавсум давомида ўн икки тонна пахта теришга аҳд қилганман, — дейди Ғофуржонова, — бу аҳдимнинг уддасидан чиқиш учун куч-ғайратимни аямайман. Вақтдан унумли фойдаланмоқдаман. Колхоз правлениеси ва партия ташкилотига минг раҳмат. Биз кўпмингкилограммчи теримчиларнинг унумли ишлашимиз учун барча шароитлар яратиб берилган.

## СИФАТ—АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

КОЛХОЗИМИЗ пахтакорлари ўн биринчи беш йилликда пахта етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириб бориш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, бу соҳада эришилаётган натижалар чакки бўлмаяпти. Буни биргина бизнинг бригадамиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида бригадамиз аъзолари ҳосилдорликни 1982 йилга нисбатан тўрт центнерга кўпайтиришга эришдилар.

Деҳқон доимо изланиши, янгиликларни, фан-техника ютуқларини ва илғорлар тажрибасини қўлланиши лозим. Ана шундагина муваффақиятлар кўпайиб боради. Айниқса, бугунги куннинг талаби ўзгача. Бригадамизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларини чуқур ўрганиб чиққач, ҳали ишимизда жуда кўп камчиликлар борлигини аниқладик. Уларнинг энг асосийси етиштирилаётган пахта сифатининг талаб даражасида эмаслигидир. Очиғини айтганда кўп йиллардан буён фақат бизнинг хўжалигимизда ёки бригадамизда эмас, бошқа жойларда ҳам тонна кетидан қувиб, сифатни эсдан чиқариб қўйдик. Энди партия ва ҳукуматимиз талаби сон билан сифатни мутаносиб кўтариб боришдир.

1984 йилда бригадамизда айнан шу соҳада кескин бурилиш ясашга аҳд қилганмиз. Буни исботлайдиган давр келди. «Оқ олтин» йиғим-терими қизғин бошланди. Демак, энди пахта топширишда унинг салмоғини ҳам, сифатини ҳам юқори бўлишини таъминлаш учун курашмоқ даркор.

Бу борада 1984 йилда қабул қилинган янги ГОСТ нархлари катта аҳамиятга эга. Янги усул бўйича пахтани толаси бўйича қабул қилиб олиниб ҳақ тўланади. Демак, энди яхши ишлаган, сифатли маҳсулот топширган киши мўмай даромад қилади.

Биз янги усулнинг ана шу талабларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат қилдик. 90 гектар майдондаги ғўзалар табақалаштирилган

### СЎЗ— ТАЖРИБАКОРЛАРГА

усулда дефолиация қилинди. Кўпинча бу тадбирни ўтказишда камчиликка йўл қўямиз-да, кейин пушаймон бўлиб юрамиз. Шунинг учун ҳам дефолиацияни энг мақбул муддатларда, яъни ҳар туп ғўзада 4—5 тадан кўсак тўла очилганда амалга оширишга киришдик.

Пахтани сифатли йиғиб-териб олиш мавжуд техника воситаларидан ва ишчи кучларидан самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бригадамизга қарашли 2 та пахта териш машинасига 43 гектардан ер ажратиб берилди. Ишнинг сифатини ошириш мақсадида ҳар бир машина билан кунига 4—5 гектардаги ҳосил териб олинади. Ана шунда биринчи терим ўн иш кунида якунланади. Машина терими ҳосилнинг камида 70 проценти тўла очилиб етилгандан сўнг бошланади. Шу билан биргаликда механизаторга ҳақ тўлашнинг ҳам янги усулини ишлаб чиқдик. Бунда ишнинг сифати катта роль ўйнайди. Агар механизатор пахтани қанчалик тоза териб, ерга тўкмаса колхоз правлениеси, партия ташкилоти ва касаба союз комитети қарори билан қўшимча ҳақ тўлаймиз.

Маълумки, ҳар қандай вазиятда ҳам чаноқда қолган ва айрим тўкилган пахталарни териш учун қўл кучидан фойдаланишга мажбур бўламиз. Биз бунга ҳам янгилик киритдик. 1983 йилда бригадамизда қўл теримда ҳақ пахтанинг килограммига эмас, тозаланган майдонга қараб тўланди. Масалан, бригадамиз территориясида яшаётган кишиларга қўл терими учун имкониятига қараб маълум миқдорда майдонлар ажратиб берилган. Улар бир гектар ердаги ҳосилни тозалаб беришса 28 сўм, терилган подборнинг ҳар килограммига эса қўшимча 0,02 тийиндан ҳақ оладилар.

Биз учун долзарб дамлар келди. Коллективимиз деҳқонлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 25 сентябрда йиллик планни бажаришга аҳд қилдилар. Зиммамизга олган юксак социалистик мажбуриятимизни ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейигача эгаллаймиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

Х. УСМОНОВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи.

## ЁШ СПОРТЧИЛАР БАЙРАМИ

Меҳмондўст Ўзбекистонда ёш спортчиларнинг ёрқин байрами бошланди. Барча иттифоқдош республикалар, Москва, Ленинград намояндалари мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ спартакиадасига тўпландилар. Оммавийлик шу катта кўрикнинг асосий рекорди бўлди. Спартакиаданинг барча босқичларида 30 миллиондан ортиқ ўғил ва қиз иштирок этди. Коммунистик партия ва совет давлати ёш авлод саломатлиги тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганлигининг ифодаси бўлган мактаб ислоҳоти физкультура ва спортни ривожлантириш янги имкониятларини очиб берди.

Спартакиада иштирокчилари ана шу ғамхўрликка чин қалбдан айтилган сўзлар билан ҳам, 18 сентябрь куни Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига қўйилган гулдасталар билан ҳам миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилдилар.

Сўнгра барча делегациялар вакиллари парадлар ҳиёбони бўйлаб, номаълум солдат қабри томон йўл олдилар ва Улуғ Ватан урушида ғалабани қўлга киритган кишилар хотирасига ёқилган мангу олов ёнига гулчамбарлар қўйдилар. Ёш спортчилар ўз спартакиадасини ана шу ғалабанинг шонли 40 йиллигига бағишладилар.

«Пахтакор» стадиони минбарлари ўн минглаб тошкентликлар, меҳмонлар билан тўлди. Яшил майдонда спортнинг 28 тури бўйича турнирларда иштирок этувчи иттифоқдош республикалар, Москва, Ленинград терма командаларининг колонналари саф тортди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова, СССР космонавт-учувчиси икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. В. Волинов спортчи ўқувчиларга оқ йўл тиладилар.

Ўтган спартакиада мезбонлари Литва стадионлари узра ҳилпираган байроқни янги чўққилар сари олиб борувчи эстафета сингари топширадилар. Қирмизи байроқ флагштокка ўрнатилади, СССР Давлат гимни янграйди. Мангу оловдан ёндириб олинган машъалани минбардагилар ва спортчилар колонналари давомли қарсаклар билан кутиб олишади. Уни XVII спартакиада совриндори тошкентлик Ҳамроқул Маматқулов кўтариб ўтади.

Спартакиада Бутуниттифоқ ташкилот комитетининг раиси СССР Маориф Министрининг ўринбосари Ф. Е. Штикало ёш спортчилар байрамини очиқ деб эълон қилади.

— Хуш келибсиз, дўстлар! Сизларга ўқиш ва спортда муваффақиятлар тилаймиз! — меҳмонларни Лола исмли қиз шундай сўзлар билан табриклади. 231-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Лола Содиқова спартакиаданинг рамзий мезбони бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди.

...Мактаб қўнғироғи янгради ва ям-яшил майдон узра таралган жарангдор музика садолари остида болалар саломатлик, куч, чаққонликнинг ўзига хос босқичларини намойиш қилишди. Бунда эрталабки зарядкадан то гимнастиканинг мураккаб элементларигача акс эттирилди. Мактаб ўқувчиларининг қўшма колоннаси ўрнини ҳунар-техника билим юртларининг тарбияланувчилари, сўнгра педагогика олий ўқув юртларининг студентлари эгаллашади.

Бу кўринишлар хилма-хил байроқчалардан ҳосил бўлган камалак рангидаги ўзига хос экранда акс этади. Советлар мамлакатининг тасвири намоён бўлади, «Ленин», «Партия», «Комсомол» сўзлари кўзга ташланади. Ўзбекистон ССР Давлат байроғи ва гербининг тасвири, «60» рақами республика ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли юбилейи тўғрисидаги рамзий ҳикоядек туюлади. Ушбу спартакиада айни шу юбилейга бағишлангандир.

Бу галги кўрик оммавий физкультурани ривожлантиришнинг янги-янги йўлларини очиб беришга, коммунизм қурувчилари ёш авлодини ҳар томонлама уйғун камол топтириш учун янги имкониятлар яратишга кўмаклашади.

Спартакиаданинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. Г. Аҳмедов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. И. Киселев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Д. А. Охромий, СССР Спорт комитети раисининг ўринбосари А. И. Колесов, иттифоқдош республикаларнинг маориф министрлари, спорт комитетларининг раислари ҳозир бўлдилар.

Т. ГОЛУБКИНА,
Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

# ҚУЙИ ТАШКИЛОТЛАР ТАШАББУСКОР БЎЛСА...

**Шу кунларда барча партия ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда иш услуби ва методини такомиллаштиришга, партия, давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, меҳнаткашлар ташаббускорлигини оширишга қаратилган муҳим тадбирларни белгилаб олмоқдалар.**

**Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз коммунистлари ўз йиғилишларида партия комитетининг коллективга раҳбарлик қилишдаги ролини ошириш, цех партия ташкилотлари жанговорлигини ўстиришга қаратилган таклифлар билан чиқдилар. Колхоз партия комитетининг секретари Т. ЖЎРАЕВ пленум қарорлари, коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифлари асосида бажарилаётган ишлар тўғрисида жамоатчи мухбиримиз М. МИРКОМИЛОВГА қуйидагиларни сўзлаб берди.**

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида «республикадаги кўпгина партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари савияси ҳали партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг талабларига тўла-тўкис мувофиқ келаётгани йўқ» дейилди. Бу принципиал баҳо бизнинг партия ташилотимиз фаолиятига ҳам тегишлидир.

Тўғри, колхоз партия комитети ўз йиғилишларида цех партия ташкилотлари авангардлигини ошириш, коллектив орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар савиясини кўтариш, иқтисодий ва социал вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга бағишланган муҳим масалаларни кўриб келяпти. Жумладан, ярим йил мобайнида турли масалалар бўйича цех партия ташкилотларининг фаолиятлари партком йиғилишида 7 марта муҳокама қилинди. Лекин, жиддий ҳатомиз шундан иборатки, биз партком қарорлари қандай бажарилаётганлигини охиригача контрол қила олмаяпмиз. Албатта, бунинг учун ҳеч қандай тўсиқ, қийинчилик йўқ. Фақат ишимизда изчиллик, конкретлик етишмаяпти, холос. Аниқроғи қарорларнинг ижросини кузатиб бориш топширилган партком аъзолари масъулиятсизлик қиляптилар.

Бошланғич партия ташкилоти 5 та цех партия ташкилотини бирлаштирган. Ҳар бир цех партия ташкилоти меҳнат коллективлари ишини жонлантиришда муайян ишлар қиляпти. Бу ўринда айниқса, сут-товар фермаси цех партия ташкилоти фаолиятини айтиб ўтиш ўринли. Бундан бир неча йил муқаддам хўжалик чорва моллари етиштириш соҳасида райондаги энг қолоқ хўжаликлар қаторидан ўрин олганди. Парткомда бу масала бир неча бор муҳокама этилди. Цех партия ташкилоти ишидаги сусткашлик, ферма раҳбарлари ва мутахассисларнинг масъулиятсизлиги жиддий танқид қилинди. Чорвачилик тажрибали, ишбилармон кадрлар билан мустаҳкамланди. Фермада меҳнат ва дам олиш шароити яхшиланди. Натижада иш олға силжиди.

Ўтган олти ой мобайнида колхоз давлатга гўшт, сут сотиш планини ошириб бажарди. 1983 йилнинг шу давридагига нисбатан сут ишлаб чиқариш 120 центнерга кўпайди. Албатта, буни жуда юқори ўсиш деб бўлмайди. Шу туфайли ҳам ферма коммунистлари ишни жадал ривожлантиришнинг резерв ва имкониятларини ахтаришда давом этмоқдалар.

Ҳамма цех партия ташкилотлари ҳам ана шундай самарали ишлаяпти, дейиш қийин. Хўжалигимизда ишлаб чиқаришга бригада пудратини жорий этиш суст боряпти. Колхозчиларнинг 38,4 процентигина меҳнатни ташкил қилишнинг нарядсиз формасига ўтишган, холос. Бу йил пландагига қараганда 8 гектар пиёз кам экилди. Парвариш ишларида эътиборсизлик оқибатида 14 гектар ердаги пиёз қуриб кетди. Дон ва силос учун экилган маккажўхори парвариши орқада қолиб кетди. 2-, 3-, 7-бригадалар даласида помидор кўчатлари тўлиқ бўлмаганлиги, парваришнинг талаблар даражасида эмаслиги туфайли кам ҳосил олинмоқда.

Мавжуд камчиликлар биринчи навбатда цех партия ташкилотлари аъзоларини ташвишга солиши керак эди. Афсуски, далачилик бригадаларида ишлаётган кўпгина коммунистлар хотиржамлик кайфиятидалар. Боз устига 4-, 5-, 6-бригадалар цех партия ташкилотларида партия мажлислари онда-сонда ўтказиляпти. Йиғилишларда маълум коммунистларгина сўзга чиқишяпти. Улар ҳам кўрилаётган масала юзасидан аниқ фикр ва қимматли мулоҳаза билдириш ўрнига умумий гаплар билан чегараланиб қолмоқдалар. Ўтказилаётган йиғилишларнинг протоколлари тўғри тўлдирилмаяпти. Натижада қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини қатъий назорат остига олиш мушкуллашмоқда.

Меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари шу кунларда ҳам давом этаётир. Цех партия ташкилотлари бу нуқсонларни бартараф қилиш учун олиб борилаётган курашнинг энг олдинги маррасида ишлаши керак. Аммо ушбу соҳада уларнинг активлиги сезилмаяпти. Аксинча, меҳнат минимумини бажармаётганлар орасида коммунистлар ҳам борлиги ачинарлидир.

Албатта, йўл қўйилаётган камчиликлар фақат цех партия ташкилотларининг хатоси билан бўлаётгани йўқ. Бунда энг аввало партия комитетини айблаш лозим. Биз кўп ҳолларда бевосита хўжалик масалалари билан банд бўлиб, партия ташкилоти ишига етарли эътибор беролмаяпмиз. Партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар савияси анча пасайиб кетганлигини очиқ тан оламиз. Яқинда район партия комитетининг бюро мажлисида ҳам колхоз партия ташкилоти ишидаги ана шу камчиликлар очиқ эътироф этилди. Жумладан, хотин-қизлар билан ишлашга яхши аҳамият берилмаётганлиги, илғор қиз-жувонларни партия сафига жалб этиш қониқарсиз аҳволдалиги қайд қилинди.

Ҳозирги пайтда партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, область партия комитетининг IV пленуми қарорлари ҳамда ўз йиғилишимизда коммунистлар томонидан билдирилган мулоҳазалар асосида тадбирлар белгилаб шу асосда иш олиб боряпти. Эндиликда биз топширилган вазифа учун коммунистларнинг масъулият туйғусини ошириш, партия сафини энг илғор ва барча соҳада намуна кўрсатаётган ёшлар ҳисобига кенгайтириш, айниқса, партия мажлисларининг ролини ошириш каби муҳим масалаларга жиддий эътибор беряпмиз. Ҳар йиғилишда раҳбар кадрлар ва оддий коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаб боришни қатъий йўлга қўйдик. Бу тадбирлар самараси тезда намоён бўляпти. Коллективда меҳнат интизоми яхшиланиб, ишга муносабат шаклланяпти.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи яқинлашмоқда. Колхозимиз аъзолари бу шонли санага муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқдалар. Хўжалик партия ташкилоти коллектив кучғайрати ва шижоатини олдинда турган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар этиш борасидаги ўз иш услубини табора такомиллаштириб бораверади.

# КООПЕРАТОРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАРИ

Область матлубот кооперацияси вакилларининг IX съезди бўлиб ўтди. Унда авалги съезддан буён ўтган беш йилдан ортиқ вақт мобайнидаги ишларга якун ясалди. Съездда Тошкент область матлубот союзи правлениесининг раиси С. Файзиев доклад қилди.

Докладчи область матлубот кооперацияси вакилларининг ушбу съездидан аввал қуйи ташкилотларда ҳисобот-сайлов кампанияси бўлиб ўтганлигини айтди. Бу йиғилишларда 350 мингдан кўпроқ киши иштирок этиб, 2 мингдан кўпроқ кооператив аъзолари ва уларнинг вакиллари сўзга чиқдилар.

Икки съезд оралиғидаги даврда область матлубот кооперацияси структурасида жиддий ўзгаришлар бўлди. 13 та матлубот жамияти, тўрт район матлубот союзи, битта райкоопторг ва область матлубот союзи қошида хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Беш йил мобайнида пайчиларнинг сони 75 мингга кўпайди ва 1984 йил 1 январига келиб 397 минг кишига етди.

Докладчи в музокараларда сўзга чиққанлар ҳисобот даврида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши муттасил ўсиб борганлиги натижасида чакана товар обороти беш йилда 227 миллион сўмликка ёки 44,5 процентга кўпайганлигини таъкидладилар. Қишлоқ жойларда кийим-кечак, пойабзал, холодильниклар, кир ювиш машиналари, мебеллар, енгил автомашиналар, телевизорлар ва бошқа молларни сотишни кўпайтириш ҳисобига чакана товар оборот структураси яхшиланди.

Ҳозирги пайтда 1378 та магазин ёки улар умумий сонининг 78,2 проценти ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишламоқда. Улар бутун товар оборотининг 86,7 процентини бермоқда.

Айни пайтда съездда кооператорлар ишида кўпгина жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Товар обороти планларини бажара олмаётган анчагина кооператив ташкилотлари ва корхоналари бор. Етарли миқдорда мавжуд бўлган кундалик эҳтиёж молларининг баъзан савдода бўлмаслиги ҳолларига қатъиян чек қўйиш керак.

Областда ҳали харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, тарозидан уриб қолиш, молларнинг устига пул қўйиб сотиш каби шармандали ҳолларга барҳам берилмаганлиги жиддий қораланди. 1983 йилда 4800 та савдо ва умумий овқатланиш корхонаси текширилди. Улардан 570 тасида турли камчиликлар аниқланди.

Кичик аҳоли пунктларида, шунингдек, фермаларда, узоқ яйловларда савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бунинг учун кўчма савдони кенг йўлга қўйиш керак.

Ҳисобот даврида умумий овқатланиш корхоналарининг товар обороти 36 процент ортди.

Аммо қатор кооператив ташкилотлари масаллиғлар, қандолат ва кулинария маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва реализация қилишни кўпайтириш имкониятларидан ёмон фойдаланмоқдалар. Таомларни тайёрлашда балиқ, сабзавот, ёрма, картошка сингари озиқ-овқат маҳсулотларидан кам фойдаланиляпти. Ошхоналар, кафелар, чойхоналар, буфетлар ҳамда умумий овқатланиш бошқа корхоналарининг санитария ҳолатини тубдан яхшилаш лозим.

Китоб савдоси матлубот кооперациясининг муҳим иш участкасидир. Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларида 52 та доимий китоб магазини, 47 та китоб киоскаси ва дўкони, 12 та автомагазин ишлаб турипти. Китоблар ва босма маҳсулотларини тарқатиш билан 240 та китоб тарқатувчи, 28 та халқ китоб магазини шуғулланяпти. Ҳар йили китоб бозорлари, тематик кўргазмалар, ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиб турилибди. Китобни тарқатиш ҳафталиги ва ойликларини ўтказиш тажрибаси оммалашяпти.

Лекин бу ишда ҳам қатор камчиликлар бор. Қишлоқ жойларда оммавий-сиёсий, қишлоқ хўжалиги, фан-техника, болалар адабиётларини тарқатиш ёмон аҳволда.

Ҳозирги пайтда область матлубот союзи системасида 244 та ишлаб чиқариш корхонаси бор. Уларда нон ёпиш, алкоголсиз ичимликлар, музқаймоқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Беш йил мобайнида улар планга қўшимча равишда 29 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу даврда область матлубот кооперацияси ишлаб чиқаришининг ҳажми 78,2 процентга ортди.

## ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ IX СЪЕЗДИДАН

Областдаги матлубот кооперацияси ташкилотларида 21 та бўрдоқичилик хўжалиги ташкил этилган. Тошкент ва Ғалаба районлари матлубот жамиятлари бу борада яхши иш олиб бормоқдалар. Уларда гўшт етиштириш планлари ошириб бажарилмоқда.

Область матлубот кооперацияси йирик тайёрлов ташкилоти ҳисобланади. Ҳисобот даврида тайёрлов обороти ҳажми 563 миллион сўмликни ташкил этди ва аввалги беш йилликка қараганда 236 миллион сўмликка кўпайди. Кооператорлар кейинги пайтларда аҳоли шахсий хўжаликларидан деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш ҳажмини кўпайтирмоқдалар.

Шу билан бир қаторда айрим тайёрлов ташкилотлари колхоз ва совхозлар билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш бўйича тузилган шартномалар қандай бажарилаётганлигини яхши назорат қилиб бормайдилар. Қатор тайёрлов идораларида қабул қилиб олинаётган ва жўнатилаётган маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермайди. Аҳолидан эҳтиёждан ортиқча маҳсулотлар қабул қилиб олиш учун пунктлар кам.

Ҳисобот даврида савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов корхона ва ташкилотлари учун ишлаб чиқариш майдонлари, бинолар қурилишига катта эътибор берилди. Беш йил мобайнида область кооператив ташкилотлари пландаги 37,2 миллион сўмлик ўрнига 65,1 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштирдилар. Шунга қарамай, деб таъкидланди съездда, савдо ва омборлар шохобчаларини ривожлантиришнинг товар обороти ўсишидан орқада қолишига барҳам берилганича йўқ. 6-қурилиш тресты, «Облколхозстрой», Тошкент механизациялашган кўчма колоннаси йилдан-йилга асосий фондларни ишга тушириш планларини барбод қилмоқдалар.

Съездда кооператив маблағлари ва моддий бойликларни сақлаш масалаларига катта эътибор берилди. Айрим раҳбарлар ҳали ҳам бу ишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Ишончга сазовор бўлмаган, тажрибасиз, ҳатто аввал судланган шахсларга катта моддий бойликлар топшириб қўйилмоқда. Бунинг оқибатида камомат ва ўғирликлар камаяётгани йўқ. Калинин, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Оққўрғон, Ғалаба, Бекобод, Коммунистик, Тошкент районлари матлубот жамиятлари союзлари ва Оҳангарон район матлубот жамиятида кооператив мулкни сақлашда жиддий нуқсонларга йўл қўйиляпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва область партия комитетининг IV пленумида савдодаги камомат ва ўғирликларга чек қўйиш қатъиян талаб этилди. Район матлубот жамиятлари бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун кадрларни танлаш, ўқитиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор беришлари, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишлари зарур.

Съездда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко, Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Х. У. Умаров, «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси З. Ш. Сирожов сўзга чиқдилар.

Иваново область матлубот союзи правлениеси раисининг ўринбосари В. В. Старостин Тошкент области кооператорларига қардошлик саломини топширди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими П. М. Мироқилов иштирок этди.

Съезд область матлубот союзи советининг янги составини сайлади.

* * *

Область матлубот кооперацияси вакиллари IX съездида сайланган область матлубот союзи советининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда область матлубот союзи правлениеси сайланди. Правление раиси қилиб С. Файзиев сайланди.



Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида кузги-қишки мавсумга мўлжалланган қатор янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ушбу суратда корхона бадиий цехининг ходими Нафиса Хўжаева шундай буюмларнинг бири — аёллар янги рўмолини намойиш қилмоқда.

В. Сироткин фотоси.

# ЙЎЛЛАР РАВОН

ОРЖОНИКИДЗЕ район йўл қурилиши ремонт қилиш участкаси ишчилари ўтган ойларни анча яхши якунладилар. Йил бошидан буён улар 281 минг сўмлик иш бажариб, планни 102 процентдан ошириб адо этишди. Бу меҳнат ютуқларига коллективнинг М. Алимбеков, Қ. Усмонов, С. Ҳакимов, Б. Акромхўжаев каби ўнлаб илғор ишчилари баракали ҳисса қўшдилар. Уларнинг зарбдорона меҳнатлари эвазига райондаги «Октябрь» колхози, «Химик» совхози ва бошқа территорияларда кўплаб транспорт йўллари ремонтдан чиқарилди.

Кейинги йилларда бу коллектив томонидан район территориясидаги автомобиль йўлларини ремонтдан чиқариш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда. Ҳар йили бир неча юз километрлик йўллар транспорт қатновига мос қилиб қўйиляпти.

Д. ҚАЮМОВ.

# ВАКОЛАТЛИ КИШИЛАР

ИЛГАРИЛАРИ Сурангент қишлоғи аҳлиси Комил Қўлдошевни Свердлов номли колхознинг илғор пахтачилик бригадаси бошлиғи сифатида танишарди. Энди эса унинг номини «Бизнинг Советлардаги энг ишонган вакилимиз», деб ҳурмат билан тилга олишади. Сабаби— бригадасининг доимо илғорлар сафида бўлишини таъминлаш билан бирга халқ депутати сифатида ҳамқишлоқлари ишончини оқлаяпти.

Абдулла Абдураҳмонов— Охунбобоев номли совхоз коммунистларининг етакчиси. Хўжаликда оммавий-сиёсий, ташкилий— тарбиявий ишларни оқилона бошқаряпти. Фақат бугун эмас. Хўжалик ва дала ишларидан бўш вақтларини қишлоқ Советида ёки унинг ижроия комитети топшириғи билан тегишли ташкилотга қатнаш билан ўтказади.

Алоқа бўлими ходими Гулбиби Абдураҳмонова ҳам қишлоқ аҳлининг ишончли, актив вакилларидан. Депутат сифатида қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ муҳим социал-маданий масалаларни тез ва ижобий ҳал этишда жонбозлик кўрсатади.

— Ана шундай ваколатли активларимизнинг катта ташкилотчилик фаолияти туфайли қишлоғимиз йил сайин ободонлашиб, маданий-маиший шароитимиз яхшиланиб бормоқда, — дейди Сурангент қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Асилов.— Ҳозир биз қишлоғимиз хонадонларини ичимлик сув билан таъминлаш вазифасини тўла ҳал этишга муваффақ бўлдик.

Халқ сайлаб қўйган вакиллар зиммаларидаги жамоатчилик топшириқларини сидқидилдан бажариш билан бирга бевосита ўзлари меҳнат қилаётган коллектив орасида ҳам шахсий намуна кўрсатмоқдалар.

— Мен депутатлик масъулиятини фақат сайловчиларнинг наказларини бажараётганда эмас, иш жойида ҳам чуқур ҳис этаман,— дейди Свердлов номли колхоз сут соғувчиси Валентина Юдина. — Шунинг учун ҳамкасбларимдан ортда қолмасликка, доимо ташаббус кўрсатиб ишлашга ҳаракат қиламан.

Ҳақиқатан ҳам у шундай қиляпти. Ҳар йили бирор фойдали ташаббус билан чиқиш унинг учун одат бўлиб қолган. Масалан, шу йилнинг бошида фермадаги озуқа запаси ва техника ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш шиорини ўртага ташлади. Бу хайрли ҳаракатнинг нафи катта. Биринчидан, бутун ёз бўйи тер тўкиб қилинган меҳнат эвазига жамғарилган озуқа турлари беҳуда исроф бўлмайди, техника воситалари

## ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

пала—партиш ишлатилиб, барвақт сафдан чиқмайди. Иккинчидан, моллар маҳсулдорлиги ортиб, таннарх арзонлашади ва соф даромад кўпаяди, тармоқ рентабелли соҳага айланади. Муҳими эса, ферма коллективи ўртасида меҳнатга онгли муносабат қарор топади. Демак, ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланади.

Шахсан В. Юдинанинг ўзи эришаётган натижалар бунга яққол мисолдир. У боқимидаги молларга рационда белгиланганидан анча кам озуқа бирлиги сарфлагани ҳолда ҳар бош сигирдан ўтган йилдагига қараганда 170 килограммдан кўп сут соғиб олди. Йил охиригача бу рақам янада салмоқли бўлади.

Т. Ўрдабоев, В. Ким, Б. Алиева сингари депутатлар ҳам сайловчилар наказларини изчил бажаришдан ташқари меҳнатда шахсий намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Умуман Сурангент қишлоқ Совети жами 75 депутатни ўзида бирлаштирган. Шулардан 47 нафари депутатлик бурчига онгли муносабатда бўлиб, садоқат кўрсатиб ишлаётганлиги туфайли қишлоқ Советига иккинчи марта депутат қилиб сайланди. Уларнинг ғайратлари билан қишлоқ Совети олдида турган қатор социал-маданий вазифалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Қишлоқ Совети территориясидаги Охунбобоев номли, Усмон Юсупов номли совхозлар, Свердлов номли колхоз, республика толали экинлар тажриба станцияси ва бошқа муассасалар жойлашган қишлоқларда область ва район миқёсидаги йирик шифохоналар, 8 та акушерлик ва медицина пункти, 12 та савдо ва кўплаб маиший хизмат муассасалари ишлаб турибди. Маданият ва маориф муассасалари сони эса 18 тага етди.

Қишлоқ Совети меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш, аҳоли ўртасида маданий-оммавий ва тарбиявий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Бунинг учун аввало қишлоқ территориясида мавжуд бўлган хутор системасини тугатишга эришилди. Доимий комиссиялар ва депутатлик постлари ҳамда группаларининг аниқ мақсадга қаратилган изчил фаолияти туфайли хутор системасидаги аҳоли пунктлари тугатилиб, хонадонлар марказлашган қишлоқларга кўчирилди. Эндиликда бу хонадонларнинг ҳаммаси замонавий қулайликка эга бўлган уйлар билан тўла таъминланди. Натижада қишлоқ территориясидаги ҳар бир хонадон аъзолари замонавий турмушга мос қулайликлардан тенг баҳраманд бўлиб яшамоқдалар.

Ҳамма ерда пахта йиғим-терими қизғин бошланган шу кунларда қишлоқ Совети мавсумнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида терим иштирокчиларига кўрсатиладиган барча хизмат турларини бевосита далаларга кўчириш, депутатларнинг ташаббускорлигини ошириш чораларини кўрмоқда.

А. ЙЎЛДОШЕВ.
Коммунистик райони.

АТЕИСТИК ТАРҒИБОТ — ЖАНГОВАР ИШ

# МЕДИЦИНА ДАВОЛАЙДИ, ДИН ЗАҲАРЛАЙДИ

Кейинги пайтларда «Билим» жамияти Бўстонлиқ район ташкилоти Ўзбекистон Компартияси XVI пленуми талаблари асосида атеистик пропагандани кучайтиришга катта эътибор беряпти. Меҳнат коллективларида, аҳоли турар-жойларида атеистик мавзуларда лекция ва суҳбатлар, «Мўъжизасиз-мўъжиза» кечалари ўтказилмоқда.

Район ташкилоти томонидан Қўшқўрғон қишлоқ участка касалхонасида ўтказилган «Медицина даволайди, дин заҳарлайди» мавзуидаги давра суҳбати ҳам ана шундай қизиқарли тадбирлардан бири бўлди.

«Билим» жамиятининг атеист лектори, Т. Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий мухбири, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Т. Рўзиматов давра суҳбатини бошлаб берар экан, атеистик тарбияда медицина фани ютуқларидан кенг фойдаланишнинг аҳамиятини таъкидлади. У ҳозирги пайтда ҳам айрим кишилар бидъат ботқоғидан қутула олмаётганликларини, касалланиб қолганларида турли дуохонларга, муллаларга мурожаат қилаётганликларини айтди. Бу уларнинг соғлиғига жиддий путур етказади.

— Бунга ўз тажрибамизда ҳам бир неча бор дуч келганмиз, —деб суҳбатни давом эттирди касалхона бош врачи С. Муслимов.— Ўз , вақтида касалхонамизга Х. исмли эллик яшар киши мурожаат қилди. Унинг иккала оёғи ишламай қолган экан. Маълум бўлишича, бемор бир оёғида оғриқ пайдо бўлганда фолбинга мурожаат қилибди. Хурофотчи Х. га «Бирор номаъқул жойни босгансиз, оёғингизга «жин»лар таъсир қилган», дебди. Шундан сўнг қирқ кун давомида «жин»ларни ҳайдаш учун куф-суф қилибди. Касалликни тузатиш учун қора қўйнинг қони керак, деб беморга қўй ҳам олдирибди. Уни сўйдириб, бутун баданига қонини суркабди, оғриётган оёғини эса қўй териси билан ўраб қўйибди. Гўштини эса ўзига қолдирибди.

Бироқ, бемор аҳволи таҳликали ҳолга келгандагина врачларга мурожаат қилган. Касаллик зўриқтириб юборилганлиги туфайли уни область касалхонасининг неврология бўлимига ётқиздик. Бу ерда у уч йил давомида даволанди. Бемор оёққа тургач, шундай деди: «Нодонлигимдан дардимни шунчалик оғирлаштириб юбордим. Дуохон, табиб, муллалардан соғлиғимга ҳеч наф бўлмади. Улар фақат мени ҳамёнимни бўшатишга ҳаракат қилдилар. Врачларга минг раҳмат! Улар бўлмаганда қайта оёққа туришим амри-маҳол экан».

Даволовчи врач Ў. Ғофуров Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимизнинг катта ғамхўрликлари туфайли қишлоқ жойларда ҳам медицина шохобчалари кенгайиб бораётганлиги, улар энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаётганлиги, касалхоналарда юқори малакали врачлар ишлаётганликларини таъкидлади. Бу оғир касалликларни ҳам даволаш имконини бермоқда. Медицина ходимлари, айниқса касалликларнинг олдини олиш, инсон умрини узайтириш соҳасида кўп иш олиб бормоқдалар.

Хаста бўлганда дин тузоғига илиниб, турли мулла ва фолбинларга қатнаётган кишилар учраб турганлиги ҳали атеистик тарбия ишини йўлга қўйишда камчиликларимиз мавжудлигини кўрсатмоқда, —деди давра суҳбати қатнашчиси, ҳамшира Ф. Муҳиддинова. — Масалан, кўпчилигимиз, айрим жойларда «кўчириқ» қилиш, «чиллаёсин» ўқитиш каби диний маросимлар ўтказилаётганлигидан хабардормиз. Аммо буни билиб турган ҳолда лақма кишиларни алдаб, шахсий бойлик орттираётган азайимхонларга қарши кураш олиб бормаймиз. Кўп кишилар бундай маросимлар улар соғлиғини яхшилаш ўрнига, касалликларини зўриқтириб юборишини билсалар ҳам диний ақидаларга риоя қилишда давом этмоқдалар. Шундай экан, хўжаликларда, қишлоқларда кўпроқ атеистик мавзуда суҳбатлар ўтказиб туришимиз, турли фолбин ва муллаларнинг кирдикорларини фош қилиб ташлашимиз керак.

Ҳамшира Б. Мусабекова айрим кишиларнинг «муқаддас» жойларга бориб сиғинишларига тўхталди. Улар дардларини «енгиллаштириш» мақсадида дин ҳомийларига назирлар ҳам қиладилар. Лекин касалликка қарши ўз вақтида чора кўрилмаслиги сабабли у кучайиб кетади. Биз атеистик мавзуларда суҳбатлар ўтказганимизда кишиларга ана шундай жонли мисолларни келтиришимиз, бидъатни илмий асосда фош этиб ташлашимиз зарур. Умуман, медицина ходимлари атеистик пропагандани олиб боришда фаол иштирок этишлари керак.

Давра суҳбатининг бошқа қатнашчилари ҳам кишиларни атеистик руҳда тарбиялашда медицина фани ютуқларидан самарали фойдаланишга қаратилган ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

И. ПИРМЕТОВ.

МОСКВАДАН ХАТ

# Чиқиндидан маҳсулот

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги химия павильонида СССР Фанлар академиясининг композицион материаллар виставкаси очилди. Бу ерда кўпгина янгиликлар ва қизиқарли материалларни кўриш мумкин. Мамлакатимиздаги айрим корхоналарнинг янги маҳсулотлари қатори Ўзбекистон металлургия заводида шлакдан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалининг намунаси ҳам шу ерга қўйилган. У ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари яхшилиги ва таннархи арзонлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Ҳаммага маълумки, илгари металлургия ишлаб чиқаришида ҳосил бўладиган шлак чиқиндига чиқариб ташланарди. Яқин-яқинларгача ундан фойдаланилмасди. Лекин ўзбекистонлик олимлар металлургия заводи мутахассислари билан биргаликда шу чиқиндидан енгил деворбоп материаллар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштирдилар. Бундай материаллар, асосан, саноат қурилишида фойдаланилади.

Янги технологиянинг қатор афзалликлари бор. Аввало шуни айтиш керакки, шлакдан деворбоп материаллар ишлаб чиқариш хом ашёни тайёрлаш учун капитал маблағ сарфлашга ҳожат қолдирмайди. Айни вақтда бундай материал ғишт ишлаб чиқаришга нисбатан анча арзонга тушади.

Бекобод металлургларни ана шундай янги материални ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда ўзлаштирдилар. Унинг тажриба намунаси бундан икки йил илгари тайёрланган эди. Ўтган йили эса бундай материалларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

М. ЛАРЬКИН,
кўргазма методисти.

